


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чика бошлаган

1995 йил 7 сентябрь, пайшанба. №110 (21.873) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Р. Шагаев (ЎзА) олган сурат.

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов Тожикистондаги коллектив тинчликни сақлаш кучлари қўмондонининг, генерал-лейтенант Валентин Бобришевични қабул қилди. Сўхбат чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов иштирок этди.

«Оқ олтин — 95»



ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бун
Хоразм	2,32	19,86
Сурхондарё	1,86	10,37
Фарғона	2,3	10,17
Қорақалпоғистон Республикаси	1,26	4,42
Бухоро	1,35	4,39
Андижон	1,8	3,94
Наманган	1,21	3,42
Навоий	0,58	1,68
Қашқадарё	0,61	1,16
Самарқанд	0,07	0,07
Тошкент	-	-
Сирдарё	-	-
Жиззах	-	-
Республика бўйича	1,12	4,83

очди. Шундан сунг республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Б. Раҳимов, Навоий шахар ҳокими Б. Ҳамдамов ва бошқалар сузга чиқишиб, пахтакорларни биринчи хирмон билан қутлашди.

Митингдан сунг пахта заводи дарвозасидаги алвон лента кесилиб, илк ҳосил тонналари ортилган қўшгелажкали тракторлар қабул пунктлари сари йул олди. Шу куни вилоятнинг Қизилтепа, Хатирчи, Навбахор туманларида ҳам «оқ олтин» карвонлари бағишланган митинглар ва тантаналар бўлиб утди. Уларда вилоят ҳокими Х. Гаффаров иштирок этди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛК ГАЛАБА

Қамаши туманидаги «Фарғона» жамоа ширкат ҳужалигида машина терими бошланганига хали куп бўлгани йул. Шундай бўлса-да куни-кеча шу ҳужалиқдан икки жамоа пахта тайёрлаш буйича йиллик давлат буюртмасини ало этди.

Рузбой Товшоаров бошлиқ бригадала машина теримига ҳужалиқда биринчи бўлиб киришилган эди. Жамоа дастлабки довондан ошди. Давлат хирмонида 120 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. 50 гектар майдоннинг ҳар гектарида 24 центнердан хирмон кутарилди.

Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕРГА БОТЛАН — РОХАТГА БОТАР

Булқоқбоши туманидаги Улугбек номли жамоа ҳужалигининг Шоқиржон Арслонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари учун олтин куз омадли бошланди. Азаматлар Андижон вилотида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш жорий йил режасини бажаришди.

Бригада пахтакорларининг шижоатли меҳнати туфайли адир енабағирларида мул ва эртанги ҳосил етиштирилди. Бир ҳафтада 22 гектар ерининг ҳар гектарида 23 центнердан юқори навли «оқ олтин» териб олинди. Қумушхон Раҳмонова, Турдижон Арслонова, Барчиной Маждидова, Робийхон Уринова каби теримчилар мавсум ҳисобини 1 тоннадан оширишди. Теримчиларнинг иш ҳақлари далаининг узид тарқатилган. Терга ботган — рохатга ботар, дейди доно халқимиз.

Андижон вилоти ҳокими Қ. Обидовнинг фармойишига биноан бригада бошлиғи Шоқиржон Арслонов фахрий ердик ва гилам билан тақдирланди. Жамоа ҳужалиғи раиси Абдукомил Аблазов бригадала битта қўй тортиқ этди. Туман ҳокими Абдумалик Жалилов ҳам галяба рапортини олар чоғда илгортларга муносиб мукофотлар берилганини билдириди.

Меҳнатларининг муносиб баҳоланганлиги голиб бригада миришкорларининг руҳаниётини юборди. Улар ҳар гектар ердан яна 17 центнердан пахта олишга аҳд қилдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТА КАРВОНЛАРИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Республикамизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби навоий Навоий вилотида ҳам бу йил пахтадан мул ҳосил етиштирилди. Жорий йилда эл хирмонида 120 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш ниятида меҳнат қилаётган вилоят заршунослари куни кеча дастлабки ҳосил тонналари ортилган карвонни пахта тозалаш заводига олиб келишди. Бу қўтлуғ карвоннинг сарбони — Навоий тумани пахтакорлари эди. Туман меҳнатқашлари бу йил 23 минг 150 тонналик хирмон уюшмоқчи. Ана шу улуг ният йўлида карманалиқлар астойдил меҳнат қилишди. Натияжада мул ҳосил етиштирилди.

...Навоий пахта тозалаш заводи ҳовлиси байрамона тусда безатилган. Карнай — сурнайлар салоси борлиқни қўнлаган. Куп утмай бу ерда илк ҳосил тантаналарига бағишланган купкичилик митинг бўлиб утди. Уни Навоий тумани ҳокими М. Шамсиев

ПОЙТАХТНИНГ КЎРКУ САЛОБАТИ

Республикамизда амалга оширилган иқтисодий ислохот, халқимизнинг фидокорона меҳнати шахар ва қишлоқларимиз қиёфасини узгартирди, янги-янги иншоотлар барпо этиш, улкан ободонлаштириш ишларини амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизда унлаб йирик иншоотлар ишга туширилди. Хусусан, Тошкент шаҳри узгача гузаллик касб этди. Бурижар узра қурилган улкан кўприк, янги барпо этилган куллар, Олий бозорининг учинчи навбати, «Тошкентленд» томоша боғи ва бошқа иншоотлар пойтахт кўркіга кўрк қўшди. Айниқса, Тошкентнинг Эски шахар қисмидаги Соғбон, Қорасарой, Форобий кўчалари, Амир Темур жибони, маҳаллаларда қурилган бир қанча гузарлар, хинд қурувчилари бунёд этган замонавий меҳмонхона узининг фаёзу салобати билан шаҳарликларни, юртимизга ташриф буюрган сайёҳларни лол қолдирмоқда. Бундай ишлар давом этмоқда.

6 сентябрь куни республика оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение раҳбарлари Тошкентдаги янги бунёд этилган ана шу иншоотлар билан танишдилар. Тошкент шаҳар бош архитектори М. Расулов уларга мазкур иншоот ва масканларнинг лойиҳаси, қурилиши тарихи ҳақида гапириб берди. Пойтахтда келгусида бу борада амалга оширилган режалар билан таништириди.

Учрашув иштирокчилари мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда бунёд этилган ана шундай муҳташам бино ва иншоотлар билан халқимизни яқиндан таништириш, газета, радио ва телевидение жамоаларининг бу борадаги вазифалари хусусида фикрлашиб олдилар.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дуст қатнашди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Газетанинڭ олдинги сонида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибяти партияимиз ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ҳужжатларини урганиш ва аҳоли уртасида кенг тарғиб этиш юзасидан вазифалари турғисиде махус қарор қабул қилганлиги ҳақида хабар берилган эди. Ушбу қарорга биноан, партияимиз МК Мафқуравий ишлар бўлими сессия ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг ундаги «Биз куриш, яратиш йўлидан бораверимиз» деб номланган нутқини урганиш ва тарғиб этишга доир сўхбатлар, мулоқотлар, аниқ мақсадли учрашувлар, илмий-амалий анжуманларнинг Тахминий мавзулари қамда сиесий тугараклар машғулотларининг Намунавий режасини ишлаб чиқди. Барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотлари юқоридаги оммавий-сиесий тадбирларни утказаватганда, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олишлари, уша ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий тараққиети ҳамда маънавий раванқига оид мисоллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Тахминий мавзулар ва Намунавий режалар билан газетанинڭ 2-саҳифасида танишасиз. Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан немис халқи ва шахсан уз номидан давлатингизнинг келгусида янада раванқ топиши учун самимий истакларини билдираман. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифим мамлакатингизда ижтимоий бозор иқтисодиётига ва демократияга утиш йўлида амалга оширилган ислохотлар билан яқинроқ танишиш имкониятини яратди. Германияда биз катта қизиқиш ва дустона ҳаяжон билан ислохотларнинг кечиши жаравини кузатиб турмоқдамиз.

Ишончим комилки, муносабатларимиз, утган йилларда бўлгани каби, мамлакатларимиз халқлари манфаатлари йўлида кенгайиб ва чуқурлашиб бораверди. Шуттағарда утиш режалаштирилган «Буюк ипак йўли» вазирлари» мавзуидаги кургама фикринингизнинг ёрқин далилидир. 1995 йилнинг 15 ноябрда Шуттағарда, кургаманнинг очилиши маросимида Сизни шахсан муборақбод этиш имкониятига эга бўлсам, беҳад хурсанд бўлар эдим.

Роман ҲЕРЦОГ,

Германия Федератив Республикаси Президентини.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва дуст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимиз ва энг ақши тилақларини йўллашдан бағоят мамнунман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон уртасида асрий дустлик ва ҳамкорлик икки мамлакат бахт-саодати йўлида келажакда янада ривожланишига ишончим комил.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромини қабул этгайсиз. Сизга мустахкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига раванқ ва тараққиёт тилашига ижозат бергайсиз.

Шанкар Даял ШАРМА,

Ҳиндистон Республикаси Президентини.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Сизга ва бирлар Ўзбекистон халқига самимий табриклар йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига узок умр, соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига раванқ ва тараққиёт тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромини қабул этгайсиз. Фарух Аҳмад Хон ЛЕГАРИ,

Покистон Ислам Республикаси Президентини.

Тожикистондан мактуб

БЕШ АЛПОМИШ ПАҲЛАВОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА!

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Сизнинг «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остидаги ҳаракатга бош-қош бўлаётганингиз биз — тожикистонлик қардошларингизни ҳам беҳад қувонтирди. Биз ҳаммамиз куйидаги умидбахш туйғуларга тилақдош-миз...


Ўзбек, тожик, қозок, туркман, қирғиз бир жон дилбади,
Ахир азал-азалдан бевос пайванд бўлганди.
Беш алпомиш паҳлавон битта ота фарзанди,
Ўғлонларинг олтинга озиру, доно кенгаш,
Бириккан башбармоқдек - мунг бўл-ла, жалад БИРЛАШ.

Етти ёт дунявийнинг ҳам болажони ўласин,
Дарахтининг бир яроғи бевақт ҳазон бўласин.
Ердан олтин уринга захар-заққум ўласин,
Табаррук она тупроқ қонга тўлмасдан кенгаш,
Пирлар бўлсин мадақдор, беш паҳлавон, тез БИРЛАШ.

Албийлар хурмати музаффо ниҳондан билал,
Нисоф ден аталмиш азалий қалқон билал,
Ниймон келтириб ҳақда муқаддас Қуръон билан
Ўзлингиз англаб ўзингиз бисмаллоҳ, ден кенгаш,
Арвоҳларингиз этиб шод, ТУРКИСТОН, тезроқ БИРЛАШ!

Ҳаким БОЗОР,
ПАНЖАКЕНТ, СЎЖИНА қишлоғи.

Мустақиллик манзаралари



Ўзбекистон — теннис ватани бўлади!

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

САҲНА ТОМОН ЕТМИШ СЎҚМОҚ

Дил изҳори



Шундай одамлар борки, биров айтган гапни айтмайди. Унинг айтганига у гапни бор. У биров куйлаган куйини куйламайди. Унинг узи куйиши бор.

«Уткан кунлар» Қодирнинг маҳорат билан айтган куйиғидир. Уни яна бир одам бошқадан куйлаб беришига ҳолат йук.

«Вақт» Гафур Гуломнинг ичкундан отилиб чиққан тарона. Ундан нухса кучириш гуноҳ.

Адабиётда бировга ухшатиб ёзиш қораланади. Аммо куйчиликда бу негадир «ижобий» баҳолабди келинапти. «Мамуржон Узоқнинг худди умар-я», «яна битта Фахриддин Умаров чиқибди» деб олқишлаймиз.

Хар бир нарсанинг асл нухаси яхши. Кучирилган нухса аслига пур этказида. Буни, бировнинг бўйига миниб «кўл кўриқ»дан ўтиш дейилади. Бировнинг соясида тирикчилик қилиш, дейилади.

Усто ва шоғирдани ҳам чегараси бор. Қадимда устолар шоғирларига маълум муддат ўтгандан кейин «энди ўз йўлингизни ўзингиз» деб оқ фотиҳа беришар ҳамда «рўзғорини булак қилиб куйишарди. Хозирги кунда шундай фотиҳага шогирд-бағчаларнинг ганчагина тўғилган қолди.

Саҳна санъати ҳам мустиқли бўлган талаб қилганидан алоҳида соҳа. Ибодат мустиқли, режиссёр, расом, бас-такор ва албатта ижрочилар бир экдан бош чиқариб томошабин билан юза-юза келидилар.

Саҳнада комедия-режиссёр. Драматург олиб келган пьеса унинг куйида бир зувала хамир. Режиссёр хоҳласа ундан нон, хоҳласа пастирак қилиши. Бу унинг маҳорати, биланлигига боғлиқ. Аммо шундай асарлар борки, унга ҳеч қандай режиссёрнинг тийишмайди. Бу Гоголнинг «Ревизор». Бу асар мукам-

ларидан келиб чиқиб асарга ёндошди. «Майсара» халқ ижодиға фольклорга яқин асар. Унга реалистик асар сифатида ёндошмаслик керак. Ана шунинг учун ҳам Баҳодир асарлар давомида яшаб, бизгача етиб келган халқ театри услубида саҳналаштирди. Энди бу асарни халқ сайларига, далаларда, туй томошаларда бемалол ижро этса бўлади.

Марказий Осиё республикалари театрлари фестивалида бу асарга биринчи ўрин берилиши асосан режиссёрнинг тоқирлиги натижаси эди.

Умуман Баҳодир қандоқки пьеса куйса албатта саҳнага янги сўқмоқ ойнади. Бу йўлдан аввал ҳеч ким юрмаган. Бу Баҳодирнинг саҳна томон оған ўз сўқмоғи бўлади.

Мен Баҳодир Йўлдошевнинг бир неча пьесани саҳналаштирганида ёнида бўлганман. Унинг «золим» лиғини ўз танамда синиб курганман. Айниқса «Келинлар кузғолони»ни саҳналаштирганда мени кўлга айлантирган, аввиз ҳукмини утказган эди. Театрнинг куйилик анъаналарига урганган гур муаллиф ҳар қанча жирилмасини ўз ичига олиб ҳам куйиб туравериши. Ижрочилар ўзбек театрининг эди ноҳир санъаткорлари бўлишларига қарамай бу жанр режиссёрга бўйин эгишига мажбур бўлидилар.

Зайнаб Садриева, Гани Аъзамов, Икром Болтаевлар унда-мунда режиссёрга сўз бермайдилар, сал бўйишгани учун асли икки ямлаб бир, отадилар. Хатто улар ҳам Баҳодирга ширкада уйнатилган арслондек бўйсунушига мажбур бўлидилар. Албатта, бу истеъдодли режиссёрга ишонганларидан, унинг истеъдодига тан берганларидан эди.

Шунч қам айиб куйиш керакки, отакон театримизнинг хар бир артисти бу режиссёр даражасига етган санъаткор эди. Баҳодир уларга, улар Баҳодирга ишончарди. Асарнинг мундариғи мана шу ҳамжиҳатлик натижаси бўлди.

Севимли артистимиз, беқиссанъаткор Зайнаб Садриева ролсизликдан сиқилиб юрарди. Ёши кетиб қолган артист биров яхши роль ўйнаб умримни яқунласам, деган уй билан яшарди. Уни яхшига етди. Фармонбининг унинг энг сунгги ва энг муваффақиятли ролли бўлди. Зайнаб опа санъатдаги умридан рози бўлиб дунёдан кетди. У кетар чоғида Баҳодирни дуо қилиб қўз юмди.

Энди яна Гоголга қайтайлик. «Ревизор» дунёнинг барча театрларида бир хил ўйналади, дедик. Баҳодирнинг «Келинлар кузғолони» ҳам худди шундай бўлди. Бу асарни жуда кўп театрлар куйди. Баъзиларини умим бориб курдим. Хитойда ҳам, Лаосда ҳам, Қозғолонда ҳам, туркману тожикларда ҳам спектакль маълум даражада Баҳодирдан кучирилган. Бу асарларнинг куйини Баҳодир курмаган. Барки улардан Баҳодирнинг ҳиди келиб туради.

Баҳодир «Келинлар кузғолони»ни Хамза театрида, Горкий номидаги рус драма театрида, Махдий номидаги Каттақурган театрида ва ниҳоят Лаос мамлакатига саҳналаштирди. Эликдан ортик театрга Баҳодирни тақдорлаган булсалар ўзи саҳналаштирган туртта театрга у зини ўзи тақдорлаганиди. Хар бирига янги ранг, янги оҳанг олиб кирди.

Москва Малий театри Америка Эвучис Делмарнинг «Гариблар» асарини саҳналаштирган эди. Унда собиқ Совет Иттифокнинг энг машҳур артистлари, жумладан Фанна Равеская бош ролни ижро этди. Баҳодир ҳам шу пьесани Хамза театрида саҳналаштирди. Хар икки спектакли солиштириб курганда Баҳодир Иттифок даражасидаги режиссёрлар қаторида эканига гувоҳ бўлганман.

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат мукотиби лауреати Баҳодир Йўлдошев Абдор Хидоятлов номи-

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДХнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиаконпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК авиакассалари

Ш. Руставели шоҳкўчаси

«Россия» меҳмонхонаси

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодёдово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.

Тел: 33-29-49.

ЯШАЙМАН, ЯШАГАН УМРИМ ҚОЛАДИ

«Эшитдингларми, Равшан ФАЙЗ...»

Ҳеч ким ишонмади бу совуқ хабарга. Ишонмайси-да ахир, кечагина курганингиз, бутун... Таваба дедик, ёқа ушладик. Афсуски, у энди йук.

Равшан зур шоир эди. Равшан катта юракли инсон, салоқатли дуст эди. Равшан...

Қаранг, одамзот галатида. Тирикчилигида шу сузларни айтишга истиҳода қилмайсиз. Аслида айтиш керак экан, азизлар. Энди кеч...

Равшан Файз куп нуфузли жойларда («Ёшлик» журнали, «Чулпон», «Камалак» нашриётлари ва «Ватан» газетида) ҳалол ишлади. Бировнинг дилини оғритмади. Қулидан келган бор яхшиликларини қилди.

Унинг энг катта Яхшилиги қулиб-ёнб турғувчи юз-қуларга эди. У катта-кичик давраларга тез синиб кетар, болалардай шуҳлик, эркаклик қиларди. Уз дустларини ёмон кузлардан яхши маънода кизганарди раҳматлик.

Шошиб нима қилдим, вақт ўзи чоқир, Яшайман, яшаган умрим қолади...

дея ёзганди у бир шеърда.

Кейинги пайтларда эса... У шошилиб яшайди. Ёзган шеърларини ҳам бизларга ўқиб беришига шошилиб. Куча-қуйдами ё телефондами ўқиб бераверарди.

Сунгги бор курганимизда у қувониб «мен хар кун шёр ёзаяман. Ишонасизларми, баъзи кунлари икки-учтадан ҳам ёзаяман. Энди узимни бутунлай шёрга, ижодга бағишлайман» деганди у. Минг афсуски...

Худо Равшанин жуда бахтли қилиб яратган эди. Бахтлилиги — унинг дустлари куп эди. У ҳеч қачон тушқун кайфиятда юрмасди.

Равшан узини уйламади. Уйим деди. Фарзандлари — Фирдавс, Чарос, Юлдуз ва дуст-ерлари деб яшайди.

Биз Равшан билан хайрлашолмай қолдик. Уни сунгги йўлга кузатиш насиб бўлмади. У туғилиб устан Кушработга ҳаммамиз учиб боришимиз керак эди. Боролмадик. Кушработликлар бизни кечирсин...

На чора? Одамзотнинг қули қалта. Қисматдан қочиб бўлмас экан. Ўзбек шеърини катта бир шоирини йукотди. Дарахт аини гуллаган чоғида кесилди. Энди қанча қуйсақ кам.

На илож? Сунгги суз айтмоқдан булак иложимиз йук. Илож, охираги обод бўлсин Равшанин!

Бир гуруҳ дустлари.

СПОРТ

ҚАРДОШИМ, ЖОНДОШИМ, ОҒАМ...

Туркистон — умумий уйимиз

БИР БАЙРОҚ ОСТИДА

Шу кунлар юртимизда олимпиада руҳи кезмоқда. Туронзамин ёшларининг бошларини қовуштиришга имкон бераётган Марказий Осиё уйинлари байроғи эса хиллараб турибди. Қадимий Эллададан келтирилган Олимпия машъаласи порламоқда. Бир-бирига жондош, қариндош ва оға-ини бўлган Туронзамин йигит-қизлари майдону уйингоҳларда маҳорат курсатиб, Марказий Осиё уйинлари тимсоли туширилган оқ байроқ остида мардонор беллашмоқдалар.

«Барчага маълумки, спорт хар доим тинчлик элчиси, халқлар ўртасидаги дустлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг ноб воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади». Юртбошимизнинг спорт анжуманини очилишида айтган бу сузлари бошланган хайрли ишнинг аҳамияти бениҳоя катталигидан дарак бериб турибди.

Мамлакатимиз пойтахтининг йирик спорт масканларида спортнинг 12 тури бўйича қизгин кураш авжга чиқмоқда. Спортнинг бир қанча турлари бўйича кичик олимпиада голиблари аниқланди. Хусусан мухлислар боксчиларнинг чиқишларини мароқ билан кузатдилар. «Алпомисл» саройида ўрнатилган катта рингда куч синанган боксчиларимизнинг омадлари келди дейиш мумкин. Хаммадан куп — 11 нафар боксчимиз финалга йўланма олиб, купчиликда умидворлик уйғотишди.

Финал учрашувлари ҳам қизгин ва мароқли баҳсларга айланди. 48 килограмм вазили боксчимиз Дилшод Йўлдошев қозғистонлик Султон Абдуразақовни догда қолдириб, олтин медал соҳиби бўлди. 51 килограмм вазили боксчилар баҳсида эса тожикистонлик Р. Ражабов қозғ боксчиси Б. Жунаидовга имкониятни бой берди. 54 килограммлик боксчилар баҳсида вакилимиз Темир Туляков қозғистонлик

ШЕРМУҲАММАД КУЗИЕВ, ЭРКИН КУРАШ БУЙИЧА ШЕРЗОД ЙЎЛДОШЕВ, РАМИЛ ИСЛОМОВ, БОРИС БУДАЕВ, РУСЛАН ХИНЧОГОВ, ГЕННАДИЙ ЖИЛЬЦОВЛАР МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИЛАР. СПОРТИНГ ҚОЛГАН ТУРЛАРИ БУЙИЧА ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ МУРОСАСИ БАҲСЛАРГА АЙЛАНМОҚДА. БОИСИ, ЯНА БИР КУНДАН КЕЙИН МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЙИНИНГ УМУМЖАМОА ХИСОБИДАГИ ГОЛИБИ ҲАМ МАЪЛУМ БУЛАДИ.



СУРАТДА: бокс беллашувларидан лавҳа. А. РИСКЬЕВ (ЎЗА) олган сураат.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН!

Маълумки, йирик спорт анжуманлари, хусусан, олимпиада ва жохон чемпионатларининг тантанали очилиш маросимлари ранг-баранг ва бетакор воқеаларга бойлиги билан хотирамизда мурланган. Чунки, Москва олимпиадасида мусобақа тимсоли «айиқча»нинг кукка кутарилиши ёки Барселона олимпиадасида мусобақа машъаласини камондан отилган ўқ-ёй билан ут олдирилгани мухлислар хануз эслаб юрадилар. Шунга ўхшаш, марказий «Пахтакор» уйингоҳида «Грещиядан келтирилган машъала ёрдамида мусобақа оловини ўт олдириш воқеаси ҳам купчиликни хаяжонга солди. Халқаро олимпиада кумитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч бу манзарани зимдан кузатиб турар экан моҳир дорбоз Тоҳир Тошкеновнинг уйингоҳ узра сукунат чўккан бир ҳолатда юксакликка кутарилиши ва ўт олдиришга мўлжалланган улкан жомда оловнинг алангаланганини кургандан кейин: «Бунақаси ҳали ҳеч бўлмаган!» деб хитоб қилиб юборди.

Бу фикрларни куни кеча Ўзбекистон миллий олимпиада кумитаси биносидида ўтказилган матбуот конференциясида мазкур кумитанинг Президенти Собир Рузиев ҳукоя қилди. Шунингдек, у муҳбирларнинг саволларига жавоб бера туриб, Марказий Осиё уйинларининг аҳамияти, бундан буён мусобақа анъанавий равишда давом этиши, бу ҳақда Самаранчининг навбатдаги спорт анжуманини балки қозғистонликлар ўтказиб беришини ўз имомалирига олишар деган фикрларини баён этди. Аини пайтда бу йилгишда иштирок этган Қозғистон миллий олимпиада кумитаси-

нинг бош котиби Қанат Абишев, Тожикистон миллий олимпиада кумитасининг Президенти Бурихон Жобиоров ҳам Ўзбекистонда бошланган спорт байрами, ташкилий-тадбирий масалалар, спортчиларга курсатилган маданий-маиший хизмат, умуман мусобақаларнинг бориши ҳақида мамнуният изҳор этдилар.

Йилгилишда айтилган мулоҳазалардан шу аён бўлдики, мусобақа меҳмонлари ва спортчиларга етарли шарт-шароитлар яратилган. Хар бир республика вакиллари алоҳида «Мерседес» автобуслари ва энгил машиналар бичкиби қуйилган. Спортчиларнинг буш вақтларини кунгилли ўтказишга ҳам эътибор қилинмоқда. Бу борада Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек, Акмал Икромов ва Юнусобод туманлари ҳокимликлари оталик хизматини ўрнига қуйишмоқда. Бир суз билан айтганда Марказий Осиё уйинлари олимпия, тинчлик, дустлик ва ҳамкорлик голярини барҳавт бўлишига хизмат қилмоқда.

Ҳайлар НОСИРОВ.

МУСОБАҚА ОДИМЛАРИ

ВОЛЕЙБОЛ. Аёллар ўртасида қозғ спортчилари жамоа ҳисобида биринчи ўрини эгаллашди. Ўзбекистон ва Қирғизистон вакиллари кумуш ва бронза медаллари насиб этди.

БАСКЕТБОЛ. Қизларимиз бронза медал билан қаноатландилар. Олтин медалларни қирғиз спортчилари олишди. Баскетболчи йигитларимиз эса Туркменистон жамоасини 102:66 ҳисобида ютиб, голиблик супасига кутарилидилар.

СУЗИШ. 50 метрга эркин усулда сузган Оксана Стрелец (Қозғистон) билан Сергей Аппхлин (Қирғизистон) маррада биринчи бўлишди. 100 метрга брасча сузишда эса қозғистонлик Ирина Вязьмина билан Ўзбекистонлик Олег Пухнатий олтин медалларни олишди. Шу масофага батерфляйча сузган вакиллари Равил Нагаев галаба қозонди. Олег Пухнатий шунингдек 200 метрга комплекс сузишда ҳам маррада биринчи бўлди.

ВЕЛОПЮГА. Олмалик йўлида ўтказилган мусобақада 30 километри масофани .39 минут 32,17 секунда босиб ўтган спортчимиз Андрей Тўйчиев олтин медал олди.

СПОРТ БОШҚОТИРМАСИ


Аввал куйида таърифланган олти харфли сузларни белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Қадимда Марказий Осиёда от устида таёк билан ўйналадиган мусобақа. 2. Таникли ўкурашчи, Осиё уйинлари чемпиони. 3. Юртимизда кейинги йилда ривожланган спорт тури. 4. Чим хоккей бўйича мамлакат чемпиони. 5. Оғир атлетика анжони. 6. Шарқона кураш спорти тури. 7. Энг оммавий спорт ўйини. 8. Курашчи сўзининг бошқа ифодаси. 9. Боксчининг кучли зарби. 10. Қозғистон Миллий олимпия кумитаси Президенти. 11. Эркин курашчи (52 кг. вази). 12. Курашчилар устозларидан бири. 13. Байдарка бўйича жаҳонга танилган спортчи. 15. Футбол жамоаларидан бири. 16. Уюқтар сўзининг синоними. 17. Енгил атлетика мусобақаларидан бири. 18. Таникли қиличбоз. 19. Спорт майдонининг маълум қисми. 20. Мерганлик спорти бўйича олимпиада уйинлари совриндори бўлган туркман спортчиси.

Энди куйида таърифланган сузларни топиб шакл атрофига занжир ҳолида ёзинг.

21. Ўзбекистондаги йирик спорт иншооти. 22. Таникли ўзбек боксчиси. 23. Қирғизистонлик моҳир велосипедчи. 24. Бокс майдони. 25. Бокс бўйича «Олтин камар» соҳиби. 26. Қиличбозликда қўлланладиган ҳимоя мосламаси. 27. Спорт тури. 28. Спортнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш тури. 29. Энг нуфузли спорт анжумани. 30. Тошкентдаги спорт иншооти. 31. Моҳир дарвозабонлардан бири. 32. Мерганлик анжони. 33. Улоқтирчи анжони. 34. Оғир вазили ўзбек боксчиси. 35. Мусобақа вақтидаги ҳолатнинг синоними. 36. Спорт анжони.

Тузувчи: Фозилов ОРИПОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Рўйхатдан ўтти тартиби №100 120. • Газета оғирт ускунида А-2 форматда босилади. • Ҳажми 2 босма тибок. • Г — 0382.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодий — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.

Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-65, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРАЛИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоида — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукуда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-34-55;
Урачанда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-37-16;
Қаршида — 3-25-79;
Қулқурғонда — 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.